

Ёлғончи (Болалар учун)

00:00 / 16.02.2017 4214

Кунлардан бир куни маҳкамага бир аёл бир эркак киши устидан даъво қилиб келди. Қози ўз жойини эгаллаганидан сўнг маҳкама йиғилиши бошланди. Қози аввал аёл кишининг гапиришига руҳсат берди. Шунда аёл йиғлаб туриб ёнидаги озғин ва кучсиз кишига ишора қилиб деди: Бу одам менинг иффатимга тажовуз қилгани ва ундан жабр кўрганим учун сизга шикоят қилиб келдим.

Шундан кейин киши ўзини ҳимоя қилиб шундай деди: Қози жаноблари, бу аёл ёлғон сўзлаяпти. Мен бозорда сотган қўйларимнинг пулини санаб турганимда бу аёл ёнимга келиб пулларимни унга беришимни, агар бермасам бошимга мушкул ишлар солишини айтди. Унинг бу гапини қабул қилмаганимни кўргач дод солиб бақира бошлади.

Қози эркак билан аёлнинг гап-сўзи ва кўринишларидан ким ҳақу, ким ноҳақ эканлигини билиб олди. Лекин ичидаги фикрини сиртига чиқармади ва эркакка қараб ўшқирди: Сен бу бечора аёлга тажовуз қилгансан. Сен менга унга ҳужум қилмаганман деб ёлғон гапирдинг. Агар пулларни дарров унга бермасанг сени зиндонга ташлатаман. Ҳамма одамлар қозининг бу ҳукмидан ҳайратга тушишди. Аёл бўлса қозига даъво қилиб борган пулларни олганига ҳурсанд бўлганича кетди.

Шунда қози эркакка қараб шундай деди: Ўша аёлнинг ортидан тез бориб қўлидаги пулларни олиб қўй! Киши қозининг қилаётган ишидан ажабланганича аёлнинг кетидан югуриб кетди. Пулини олишга иккинчи марта умиди уйғонди. Бироздан кейин икковлари ҳам маҳкамага қайтиб келишди. Киши юзидан билиниб турган жароҳат излардан азоб чекиб турарди. Жароҳатланган юзидан қон томчиларди. Бу гал ҳам аёл биринчи бўлиб гапирди. Ҳазабланиб шундай деди: Жаноби қози! Бу ёмон хулқли киши бу гал сиз менга берган пулни олмоқчи бўлди. Қози Ҳазабланиб аёлдан сўради: Сендан пулни ололдими? Аёл шундай жавоб берди: Қандай қилиб бу заиф пулларимни тортиб олсин. Нима, менинг кўзларим йўқми?

Ана шунда қози Ҳазабдан портлаб кетди: Ҳой уят нима эканлигини унутган аёл! Аввал сен бу киши менга тажовуз қилди ва мен иффатимни ҳимоя қилдим дегандинг. Энди сен ўз шарафингни ҳимоя қилишдан кўра ноҳақ олган пулингни ҳимоя қилишга кўпроқ ҳаракат қилибсан. Тезлик

билан пулни эгасига қайтар!

Қози аёлни жазога тортишдан аввал унга улуғ пайғамбаримиз
Расулуллоҳ С.А.В. нинг ушбу ҳадиси-шарифларини эслатди. У Зот шундай
деб марҳамат қилганлар:

Сизларни ёлғон сўзлашдан қайтараман. Чунки ёлғон ёмонликка
етаклайди. Ёмонлик эса дўзахга бошлаб боради. (Муслим)